

## Ўзбек Халқ Афсоналарининг Жанр Хусусиятлари

*Абдурашидова Камола Расуловна<sup>1</sup>*

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада ўзбек халқ афсоналарининг жанр хусусиятлари, ўзига хос табиати, образлар тизими, композицияси каби масалалар ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, жаҳон ва ўзбек олимлари томонидан афсона жанри борасидаги назарий қарашлар умумлаштирилган.

**Калит сўзлар:** эпик тур, афсона, композиция, сюжет, образлар тизими, мифологик образлар, фантастик уйдирма, мифологик мактаб назарияси, типология, дифференциация.

### Кириш

Афсона атамаси форсча афсун сўздан олингани, сеҳр-жоду, уйдирма асосига қурилган насрий ҳикояни англатиши, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “сав” тарзида қўлланганлиги [Имомов К,15], афсона сўзи билан синоним сифатида ишлатилган легенда истилоҳи эса лотинча – ўқишга тавсия қилинган нарса сўздан олинганлиги, ривоятлар асосида келиб чиқиши, унинг асосий хусусиятларидан бири бошқа фольклор жанрлари билан яқин муносабатда бўлиши [Ҳотамов Н ва б., 159], тилсимий, сеҳр-жоду, мўъжиза аралашган ҳодисалар, “ғаройиб предметлар” ҳаёт воқелиги билан ёнма-ён келтирилиши афсоналар сюжетига хос асосий белгилардан бири [Раҳмонова М, 159] эканлиги, барқарор поэтик шаклга эга эмаслик, фабулатик баённинг кучлилиги, ташбеҳу эпитетларнинг учрамаслиги, янги давр воқелигини бутун шиддаткорлиги ва мураккаблиги билан акс эттиришга қодир эмаслиги, шу боис ҳозир ўзбек фольклорида замонавий афсона, ривоят ва нақллар яратилмаслиги [Раҳмонов Б, 179] ҳақидаги назарий қарашлар мавжуд. Биз ушбу мақоламизда халқ афсоналарининг жанр хусусиятлари, ўзига хос табиати, образлар тизими ва хронотопи, композицияси каби масалалар ҳақида фикр юртишни мақсад қилдик.

**Муҳокама ва натижалар.** Халқ афсоналари эпик турнинг мустақил жанри бўлиб, мифо-поэтик тафаккур босқичида шаклланган ва ахборот бериш, қисман эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини адо этиши билан ажралиб туради. Халқ афсоналари фольклорнинг мустақил жанри, шу боис унда оғзакилик, анонимлик, вариантлик, анъанавийлик ва жамоавийлик каби фольклорга хос хусусиятлар мавжуд. Афсона жанри мифга хос турли магиклик, муқаддаслик ва ритуаллик каби сифатларни ўзида сақлаган, яъни миф мазмуни, турли мифологик қарашлар афсона композициясига трансформация бўлган.

Халқ афсоналарида маълум тарихий ёки мифологик воқеликни ҳаёлий уйдирма асосида ишонарли қилиб баён қилиш услубининг етакчилиги қилиши унинг асосий жанрий хоссаларидан биридир. Масалан, “Райҳон ва Шабада” афсонасида шамол ҳақидаги мифологик қарашлар трансформацияси етакчилик қилади. Афсонадаги воқелик баёнидан Шабаданинг кунчиқар ҳукмдори Шамол бобонинг тўнғич ўғли эканлиги, ўғай она зулмидан қийналган қизни севиб қолгани, бир-бирига етиша олмай қиз райҳонга эврилгани, шабада эса гуллар орасига сингиб кетганидан хабардор бўламиз. Афсонада табиатдаги ҳодисаларни жонли деб билиш, қизни эса ўсимликка эврилиши асосидаги тотемизмга ишонч асосида афсона сюжети ишончли баён қилинган. Шабаданинг гул ва ўсимликларга зарар бермаслиги, Шамол бобонинг Бўрон, Тўполон, Қуюн, Тўс деган ўғиллари [8, 216] эса ўсимликлар учун зарарли эканлиги ҳақидаги ҳаётий воқелик мифологик қарашлар асосидаги уйдирмалар орқали образли тарзда

<sup>1</sup> Андижон Давлат Университети, Таянч Докторант



тасвирланган. Шабаданинг гул ва райҳонлар орасида эсиши табиий ҳол бўлиб, бу ҳолат унинг кизга ошиқлиги билан изоҳланади. Мақсадига етмаган ошиқларнинг бирор нарсага эврилиши мотиви эса ана шу ҳаётий воқеликнинг ишончли баёнига хизмат қилган.

Афсона жанри тасвир объектига айланган ҳаёлий уйдирмалар асосида ҳаракатга келган сюжет маълум хронотоп орқали баён этилади, афсоналардаги воқеалар ижрочи фантастик оламидаги жойларда, осмон, ер ости ёки устида, мифологик маконларда содир бўлади. Яъни афсоналарда ноаниқ вақт ва ноаниқ замондаги воқелик баёни берилади. Шу сабабли афсона сюжетида узоқ ўтмишдаги воқелик хронотопи “бир замонлар”, “қадимда”, “қадим замонларда”, “ер юзида ҳеч нарса яратилмай туриб”, “узоқ ўтган замонда” каби сўзлар билан ҳамда “бўлган экан”, “яшаган экан”, “(бирор воқеа) содир бўлган экан”, “... бостириб келганда” каби ўтган замон сифатдоши асосидаги бирикмалар орқали юзага чиқади. Масалан, балиқнинг ойқулоқлари этиологияси изоҳланган афсонада “Узоқ ўтган замонда” (К.Имомов 1974 йилда Хивада ёзиб олган) кириш сўзи қадимдаги ноаниқ вақт ва замондаги воқеликни, афсона хронотопини юзага чиқаришга хизмат қилган.

Афсона ихчам композицион қурилишга эга бўлиб, унда бир ёки икки эпизодик воқелик турли мифологик мотивлар комбинацияси асосида тасвирланади. Масалан, тарихий афсоналардан бўлган “Полвон ота хассаси” афсонаси [Снесарев, 173] қийин вазиятдаги одамларнинг илоҳий кучлардан мадад сўраши, нажоткор ҳомийнинг ёрдам бериши, хасса билан мўъжиза кўрсатиши (сув чиқариш) каби мотивлар асосида шаклланган. Афсонада Полвон ота қишлоқ аҳлига ҳомийлик қилувчи, ғайритабиий кучга, авлиёларга хос мўъжизавий қудратга эга шахс сифатида талқин қилинади. Афсонада айтилишича, Хивага яқин қишлоқ одамлари Полвон отадан сувсизликдан қийналганликларини, сув чиқаришда ёрдам беришларини сўрайдилар. Полвон ота эса Жайхун бўйига бориб, хассаси билан уриб сув чиқаради ва қишлоқ аҳлининг сувга сероб бўлишига кўмаклашади. Афсонадаги берилган ихчам эпизодик тасвир Полвон отанинг илоҳий қудратига ишонтиришга хизмат қилган.

Афсоналарнинг махсус ижрочиларининг йўқлиги, унинг ҳар ким томонидан ижро қилиниши мумкинлиги афсоналарнинг вариантлилигини таъминлайди. Афсона вариантларининг кўплиги эса унинг барқарор сюжет ва композицияга эга бўлмаслигига сабаб бўлади. Шу боис ҳам айрим афсоналари қатъий композицион қурилишга эга бўлсалар, айримлари бундай хусусиятга эга эмас.

Афсона композицияси кириш вазифасини бажарувчи “афсона қилишларича”, “афсонада келтирилишича”, “қадимда” “афсонага кўра” каби анъанавий бошламалар, ҳаёлий воқелик асосида тасвирланган ва изоҳланган воқеалар баёни берилган асосий қисм ҳамда ўқувчида ишончни кучайтиришга хизмат қилувчи “ҳозир ҳам шундай эмиш”, “шундай бўлиб қолган экан”, “ҳали ҳам ... эмиш”, “... бўлган экан” каби хулосавий қисмлардан ташкил топади. Масалан, “Қалдирғоч” афсонасида қалдирғоч культига ишонч асосида шаклланган мифологик воқелик тасвири ушбу қушнинг тумшуғининг қизиллиги, думининг айрилиги, инсонларга дўстлиги каби сифатларини изоҳлашга, этиологиясини очишга хизмат қилган. Афсона Ахриманнинг оловни ўғирлагани ҳақидаги ахборотни бериш билан бошланади, бу эса ўз навбатида афсона хронотопи худолар замонида юз берган воқелик эканини билдиради. Афсонада оловсиз қийналган одамларга илоҳий кучларнинг ҳомийлиги асосида нажот келиши мотиви асосидаги эпизод тасвири берилади. Унга кўра қалдирғоч Ахриманнинг қора ўтов мўрконида кириб, ҳайбатли илон ўраб олган оловдан тумшуғида олиб чиқади. Қалдирғочнинг тумшуғининг қизиллиги чўғдан, думининг айрилиги илон ҳамласидан қолганлиги ҳақидаги этиологик ахборот унинг инсонга ёрдамчи, мадаккор сифатида талқин қилинишига асос бўлган. Афсона “Шу-шу қалдирғоч инсон зотининг севимли қушига айланиб қолган экан” [Имомов К, 43] шаклидаги хулосавий яқун эса қалдирғоч культига ишончни мустаҳкамлайди.

Айрим афсоналар композицияси эса кириш қисмисиз тўғридан-тўғри асосий қисмдаги воқелик баёни билан бошланаверади, бироқ хулосавий қисм берилади. “Пайғамбар ороли” (К.Имомов ёзиб олган) топонимик афсонаси “Энг улуғ авлиё, анбиёлардан бири яшаган экан” дея тўғридан-тўғри асосий воқелик тасвири билан бошланиб кетган. Афсонада авлиёнинг



мўжизавий қобилияти, васият қилиши, унинг васиятини амалга ошириш, сандиқда оқиш мотиви, қайта тирилиш, устози пойидан жой олиш каби мотивлар комбинациялари асосига қурилган эпизодик воқелик тасвири берилган. Афсонада келтирилишича, улуғ авлиё вафотидан сўнг муридларига ўзининг жасадини сандиққа солиб, Аму тўлқинларига ташлашни буюрибди. Муридлар эса васиятни амалга оширганларида, сандиқ оқимга қарши сузибди ва Термиз рўпарасига етгач, авлиё сандиқдан бошини кўтариб, халққа хитоб қилибди. Бу ёғида Термиз ота ётгани, ундан хатлаб ўта олмаслигини, унинг пойидан жой олиш ниятига етганлигини айтибди ва сандиқ ёпилиб, сандиқ тағида орол пайдо бўлибди. Ушбу оролни одамлар “Пайғамбар ороли” деб атай бошлабди. Ушбу афсонада жой номининг топонимикаси хаёлий уйдирма асосида шаклланган бўлса ҳам, ундаги воқелик тасвири авлиёларнинг қайта тирилиши, оқимга қарши сузиши, оролнинг пайдо қилиши каби мўъжизалари асосида ишонарли қилиб баён этилган.

Халқ афсоналарида мифологик персонажлар, ғайриоддий одамлар, пайғамбар ва азиз-авлиёлар, тарихий шахслар каби образлар иштирокидаги воқелик ахборот бериш ва диний таъсир кўрсатиш, ишонтириш мақсадида баён этилади. Бош қаҳрамонлар адолатли, хаос кучларига қарши курашувчи, ғайритабиий кучга эга бўладилар. Унинг образлар тизимида қаҳрамонга хумо, бўри, қалдирғоч, пари каби ёрдамчи персонажлар ҳамда дев, аждар, босқинчилар каби рақиб персонажлар ҳам иштирок этади. Рақиб персонажлар афсона сюжети тугунини, конфликтни юзага чиқаришса, ёрдамчи персонажлар ечимни шаклланишига ва афсонада берилган ахборотнинг ишончли чиқишига хизмат қилади. “Аждар кўзи” номли афсонада нажоткор қаҳрамон сифатида Али (чаҳорёрлардан бири), рақиб персонаж сифатида аждар ва ёрдамга муҳтож куч сифатида қиз ва қишлоқ аҳли иштирок этади. Афсона топонимик характерга эга бўлиб, Зебак яқинидаги Бозгир қишлоғидаги кўл ва тошларнинг нима учун Аждар кўзи деб номланиши сабаблари изоҳланади. Афсонадаги аждарга ҳар куни емиш ва бир инсонни тортиқ қилиниши (эртақ) мотиви асар конфликтини, шунинг баробарида, тугунни юзага чиқарган бўлса, қиз кўз ёшининг Али юзига тушиши мотиви асарнинг ечимига хизмат қилган. Афсонада аждар билан олишув мотиви Алини нажоткорлик ва ғайритабиий қудратига ишончли мустаҳкамлаш ҳамда афсонадаги воқелик тасвирини беришга асос бўлган. Афсонада келтирилишича, Али кўл ёнига келганда аждарга тортиқ қилинган қизни кўриб қолади, уни қутқариш учун аждар билан жанг қилади. Афсонада аждарларнинг сув остида яшаши, калласи етти мартагача ўсиб чиқиши каби мифологик мотивлар асосида уларнинг ҳозир ҳам яшашига ишонч мустаҳкамланади.

Халқ афсоналари сюжетини ҳаракатга келтирувчи конфликт ҳам маиший маъно англатиб, унинг ечими мўжизавий ҳаракат ва ҳомийлар марҳамати асосида юзага чиқади. “Обшир ота” афсонаси (Б.Саримсоқов 1977 йилда ёзиб олган) мисолида кўрсак, ундаги конфликт маиший характерга эга бўлиб, ғайридин лашкарнинг бостириб кириши Довуд пайғамбар ва унинг қизлари ўртасидаги конфликтнинг юзага чиқишига туртки бўлади. Ушбу афсонада ҳам пайғамбарларнинг мўъжиза кўрсатиши мотиви асосида (ҳассаси билан тоққа уради) пайдо бўлган шаршаранинг обшир деб номланиш сабаблари изоҳланади. Афсона конфликтни Довуд пайғамбарнинг мўъжизаси орқали ечим топади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқ афсоналари хаётий воқеликни хаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилишга асосланган, маълум тарихий воқелик тасвири уйдирмалар ва фантастика асосида берилган, маърифий аҳамиятга эга бўлган фольклорнинг мустақил жанридир. Халқ афсоналари дунё халқлари фольклорида мавжуд бўлиб, яратилиш услуби ва хусусиятларига кўра муштаракликларга эга. Халқ афсоналарини жаҳон халқлари фольклори контекстида қиёсий тадқиқ этиш турли халқлар фольклоридаги аналогияларни, типологик ўхшашликларни аниқлаш имконини беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995.



3. Жўраев М. Ўзбек халқ таквими ва мифологик афсоналар.- Тошкент, 1994.
4. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.
5. Раҳмонов Б. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти жанрларининг постфольклор шароитидаги ҳолати ва функционал хусусиятлари. Филол. фанл. бўйича доктори (DSc) ... диссертацияси. – Андижон. 2022. – 260 б.
6. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. Филол. фанл. бўйича доктори (DSc) ... диссертацияси. – Тошкент. 2019. – 259 б.
7. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983
8. Ўзбек халқ асотирлари. Ўзбек асотирлари, ҳикматлари, ривоятлари. Ўн жилдлик. 3-жилд. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
9. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983, 171-172-бетлар

